

# Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича

ШАРТНОМА № 87

ЛОТ№ 22110012179268

2022 йил 18 ноябр

Жиззах шахри

Ўзбекистон Республикаси “ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” УК Жиззах вилояти худудий бошқармаси келгуси ўринларда “Буюртмачи” деб аталиб ҳамда 2022 йил 5 январдаги № 4-сонли ишончномага асосан иш юритувчи номидан бошқарма бошлиғи М.Каратеев, бир томондан ва «Atlant Architektis group» МЧЖ (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ю.Суванова иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

## 1. Шартнома предмети.

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ "Ш.Рашидов тумани Равот МФЙ худудида З та янги қудук чиқариш, 4 та мавжуд қудуқни капитал таъмирлаш ҳамда 3,5 км янги тармок тортиш." обьекти бўйича амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига қўйиладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шаҳарсозлик хужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиха” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишнинг бошланиши: **30** фоиз аванс маблаги утказилгандан кейин;

Ишни яқунлаш:    иш куни.

## 2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати ҚҚС билан **51 031 000** (эллик бир миллион ўттиз бир минг) сўмни ташкил этади. Мазкур маблағлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан “Манзилли дастур” тасдиқланганидан сўнг молиялаштириб берилади.

2.2. Ишлар қиймати очиқдир. Ишлар қиймати “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси”ДУКнинг хulosасига кўра, лойиха қидирав ишларида белгиланганидан камайганида тўланадиган маблағ тегишлича Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396-сонли буйруфига асосан Лойихага ҳақ тўлаш мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзgartирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш буюртмачи тарафидан ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;

- кейинги тўловлар – босқичма-босқич, Лойихани қабул қилиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойихани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи тарафидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар тарафидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» толов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

2.6 АРТ, Давлат хизматлари, ЗВОС лойихаси, қидирав ишлари ва геология, PCB, гидрогеология хulosаси, ДАҚН ҳисоботи, муаллифлик назорати, давлат ва экологик экспертиза хulosалари учун тўловлар “Ижрочи” тарафидан амалга оширилади.

### **3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

**3.1. "Ш.Рашидов тумани Равот МФЙ худудида 3 та янги қудук чиқариш, 4 та мавжуд қудукни капитал таъмирлаш ҳамда 3,5 км янги тармоқ тортиш."** обьекти бўйича лойиҳалаш ишларини бошлаш санаси сифатида қуидаги талабларни бажариш санаси ҳисобланади:

3.1.1. Лойиҳалашга топшириқни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойиҳалашга топшириқка ҳамда лойиҳалаш ишларини тартибга соловчи меъёрий хужжатларга мувофиқ буюртмачи лойиҳалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Тарафлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юқоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойиҳалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг ижрочи тайёр лойиҳани ёки унинг қисмини буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойиҳалашга топшириқ ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи лойиҳани олганидан кейин қуидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида лойиҳани олиш ёки олишни рад этиш ва ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориш;

3.3.2. Лойиҳани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат ижрочига юборилгандан сўнг икки тарафлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойиҳадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади;

3.3.3. Буюртмачи лойиҳани олишдан бош тортса (Лойиҳани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни ижрочига юбормаса, лойиҳа буюртмачига тақдим этилган вақтдан бошлаб унга топширилган ҳисобланади;

3.3.4. Агар буюртмачи лойиҳани текширмасдан қабул қилган бўлса, кейинчалик лойиҳада бирламчи хужжатлардан ва шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни лойиҳани қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огоҳлантириши ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

### **4. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари.**

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойиҳани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни ижрочига тақдим қиласди;

4.1.2. Мазкур шартномада белгилangan микдор ва тартибда ишлар қийматини ижрочига тўлаб беради;

4.1.3. Ижроидан олинган лойиҳадан фақат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳани учинчи шахсларга бермаслик ва ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик;

4.1.4. Зарурат туғилгандан лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиш учун ижрочини жалб этиш;

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгаририш ёки ижроига боғлиқ бўлмаган бошқа вазиятлар туфайли пайдо бўлган қўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан тарафлар дастлаб ўзаро келишиб ва қўшимча битимни имзолашгандан сўнг);

4.1.6. Тайёр лойиҳанинг камчиликлари сабабли учинчи шахс тарафидан буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун ижчини жалб қилиш.

#### 4.2. Ижчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун буюртмачи тарафидан тақдим қилинган лойиҳалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойиҳалаш ишларини бажариши;

4.2.2. Буюртмачи тарафидан тақдим этилган ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огохлантириши, буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши, буюртмачини ўз вақтида огохлантирган ижрои келгусида буюртмачи тарафидан даъво қилинганда ҳужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўкач қилмаслиги керак;

4.2.3. Лойиҳани тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишишда буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш;

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошқа қонунчилик ҳужжатларига жавоб берадиган тайёр лойиҳани буюртмачига топшириш;

4.2.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.6. Ўз ҳисобидан муаллифлик назоратини олиб бориш.

#### 4.3. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.3.1. Лойиҳадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, ижроидан қўйидагиларни талаб қилиш:

- ижрои лойиҳадаги камчиликларни ўз ҳисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиш;

- шартномавий қийматни шунга мувофиқ микдорда камайтириш;

- ижрои лойиҳадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги сабабли буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;

- Лойиҳадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар қопланишини ижроидан талаб қилиш;

- «Ижрои» ташкилотнинг айби билан лойиҳа ҳужжатларига кушимча иш хажмлари киритилган ва харажатлар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» қумитасининг 24.06.2008 йилдаги 50-сонли буйруги билан тасдиқланган ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди 3-хатбошисига асосан бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб қўйилади.

#### 4.4. Ижрои қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

### 5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлар мазкур шартномада кўзда тутилган мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Лойиҳа буюртмачи тарафидан қабул қилингандан кейин ижрои кафолатли муддат давомида (10 йил) лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.

5.3. Ижрочи лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган ҳолда) қуидаги ҳолларда жавоб бермайди:

- Буюртмачи ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса.

5.4. Молия органи тарафидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида молиялаштираса, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори ўз вақтида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.

5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.7. Тарафлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаслик шарти билан, биринчи тараф иккинчи тарафни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилинган ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиқкан тараф иккинчи тарафга мазкур шартнома бўйича ишлар қийматининг 10 % миқдорида жарима (неустойка) тўлайди.

## 6. Махфийлик.

6.1. Ҳар бир тарафнинг фаолияти ёки тарафлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Тарафлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора қиласликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа максадлар учун фойдаланмасликлари керак.

## 7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш.

7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-бандида қўрсатилганидек, шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан тарафларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.

7.2. Тарафлар ўртасидаги ёзма келишувга асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим тузилган ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган хамда тарафлар (ёки тарафлар номидан вакиллар) томонидан имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.4. Қонунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарлиқдан озод этмайди.

## 8. Низоларни хал этиш.

8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича тарафлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокаралар ўтказиш йўли билан хал этилади.

8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда Жиззах туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

## 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда тарафлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдирлар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қуидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнғин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш ҳаракатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж,

миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган тарафлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги тарафлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

### 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома Жиззах вилояти Газначилик бошқармасида руйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. Битта нусхаси буюртмачида, иккинчи нусхаси эса ижроида сақланади.

### 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

#### БУЮРТМАЧИ:


Ўзбекистон Республикаси  
“ЎЗСУВТАЪМИНОТИ” АЖ “Сув  
таъминоти ва оқава сув обьектларини қуриш  
бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Жиззах вилояти худудий бошқармаси  
Жиззах ш. Кимёгар махалла Тўқимачилар  
кўчаси 2 уй. Тел./факс 222-82-41,  
шфҳ: 301821860084017063201110119  
ИНН: 305978471 ОКЕД 42210  
Жиззах вилоят Газначилик бошқармаси  
ЯФҲ 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 ИНН: 201122919



М. Карадаев  
(ФИШ)

#### ИЖРОЧИ:

«ATLANT ARCHITECTS GROUP»  
МЧЖ  
Жиззах ш. М.Улугбек махалласи  
9 уй 4/5  
Тел: 99872 - 224-23-03  
Х/р: 2020 8000 5006 6156 1001  
Банк: АТ Алока банк Жиззах  
филиали  
МФО: 00401 ИНН: 304288628  
ОКОНХ71110



Суванова Ю.  
(ФИШ)

### ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни талаблари асосида тузилган. Хўжалик шартномаси шартлари, унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларни хал этиш тартиби амалдаги конунчилик талабларига мос келади.

Хукукий экспертиза натижасига кура кўйдагилар аникланди:

1. Шартнома Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилган шартнома шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конунининг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

Бошқарма хукуқшуноси

Д.Уралов